O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
280209

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 24-fevral • Seshanba • 24 (27.985) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди».**

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

## ДЕҲҚОНОБОД ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Ўзбекистон туманининг энг чет Деҳқонобод қишлоғида салкам беш минг аҳоли яшайди. Кўча-кўйда суҳбат қураётган муҳтарам отахонлару онахонларними, шошиб кетаётган ёшларними, кимники учратманг, чеҳраси очиқ, ширинсўз, кайфияти чоғ. Бу, аввало юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик ва Деҳқонободнинг кундан-кунга чирой очиб, аҳоли турмуши фаровонлашиб бораётгани туфайлидир.

— Қишлоқ врачлик пункти очилгунча одамлар туман марказига қатнашарди, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудири Маҳфузахон Ҳасанова. — Мана энди умумамалиёт шифокорларимиз улар хизматида. Қишлоқдаги барча болалар ва аёллар саломатлигини потранаж кўригидан ўтказиб бўлдик...

— Болалигимизда пастқам, кўримсиз хоналардан иборат мактабда ўқигандик, — ҳикоя қилади Шокиржон Мадраҳимов. — Бугунги кунда мукаммал таъмирдан чиққан биргина 18-мактабимизни кўринг: кенг, ёруғ синфхоналари, компьютер, лингофон кабинетлари, фан лабораториялари, ўқув қуроллари — ҳаммаси муҳайё...

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар режасига кўра вилоятдаги мингга яқин мактаб қатори Деҳқонобод қишлоғидаги билим ўчоғи ҳам кўркам таълим масканига айланди. Дарвоқе, қишлоқнинг қайси кўчасига кирманг, албатта янги уй-жойларга рўбарў бўласиз. Уста ва устозодалар ҳам шу қишлоқнинг фарзандлари: ака-ука Илҳомжон ва Муҳаммаджон Эркабоевларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ёш бўлса-да, ёғочга жило беришнинг ҳаддини олган ҳунармандлар қўлидан чиққан маҳсулотлар бугун Деҳқонободнинг ҳар бир хонадонида ўрнатилмоқда.

— Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз қишлоқларда уй-жой қурилиши билан шуғулланадиган махсус ихтисослашган ташкилотлар барпо этиш тўғрисида топшириқ берди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Одилжон Худойназаров. — Демак, Деҳқонободда ҳам ободончилик ишлари янада кучаяди.

Ҳозиргача туманимиздаги 87 та аҳоли яшаш масканлари «зангори олов» билан таъминланди. Учта янги газ узатиш қурилмалари ишга туширилиб, Уқчи-Янгиобод йўналишида 20 километр масофага газ линияси тортилди, — давом этди у. — 67 та умумтаълим мактабида капитал таъмирлаш ишлари кетмоқда. Наврўз байрами арафасида Яккатут, Қулибек, Конизар қишлоқларида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналари, супермаркет, тикувчилик цехи, ёқилғи қуйиш шохобчалари иш бошлайди. Бундан ташқари 70 нафар ёш оила янги уйларга кўчиб ўтиши режалаштирилган. Якка тартибда фаолият юритаётган эллик нафарга яқин тадбиркор ўнлаб янги кичик ишлаб чиқариш корхоналари очишни мўлжаллашган. Бу — юзлаб янги иш ўринлари ҳам демак.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**







**Суратларда:** *Деҳқонобод қишлоқ врачлик пунктининг бир гуруҳ ходимлари; қишлоқ дурадгори Абдумалик Абдупаттоев; янги 18-мактаб кўриниши.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ХОРИЖИЙ ОАВ:
## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ БАРҚАРОР СУРЪАТДА ЎСМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси хорижий мамлакатлар расмий, ишбилармон, эксперт доиралари, оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш билан қарши олинди.**

**Кўплаб хорижий оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз раҳбари маърузасидан кўчирмалар келтирган ҳолда, мазкур ҳужжатда Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари чуқур таҳлил қилинганига эътибор қаратади.**

*(Давоми 2-бетда)*

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

## ОҚ ГИЛНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

**НАВОИЙ.** «Бентонит» номи билан аталаётган оқ гил қоришмаси тиббиётда «Бентит-м», «Калций глюканат» каби дори-дармон турларини яратишда асосий манба ҳисобланади. Шунингдек, у ёғ-мой саноатида, яъни ўсимлик ёғидан заҳарли «Гассипол» моддасини йўқотишда ҳам асқотмоқда.

Ана шу ва шунга ўхшаш афзалликлари билан Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги «Қалқонота-Сармиш» оралиғида жойлашган оқ гил кони атрофи — Кармана туманида «Бентонит» ишлаб чиқариш кичик корхонаси ташкил этилиб, қарийб 90 киши муқим иш ўринларига эга бўлишди.

— Биз ҳар йили 13-14 минг тонна оқ гилни қайта ишлаб, Швейцария, Буюк Британия, Чехия ва Словакия каби ўнлаб мамлакатларга экспорт қилаяпмиз, — дейди корхона бош муҳандиси Абдусамад Ҳакимжонов.

**Музаффар ШАРОПОВ**

## КАСАНАЧИЛИК

**ЖИЗЗАХ.** Мирзачўл туманидаги «Иқбола-Маржона» хусусий корхонасида ўндан зиёд турда тикувчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда ва айни кезда мазкур меҳнат жамоаси ҳудудда касаначилик ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти.

— Ўтган йили ўн икки нафар касаначи учун иш ўрни яратдик, — дейди корхона раҳбари Иқбола Аҳророва. — Бу борада туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан яқиндан ҳамкорлигимиз яхши самара бераяпти.

Дарвоқе, Бандликка кўмаклашиш маркази ёрдамида ўтган йилда туман бўйича 416 нафар киши ишли бўлди, уларнинг 331 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**

## КЎКЛАМ ЮМУШЛАРИ

**СУРХОНДАРЁ.** Вилоят ҳокимлигида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда февраль, март ойлари давомида барча қишлоқ, маҳалла, гузар, кўча, хиёбон, ташкилот, муассасаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказиш белгиланди.

Йиғилишда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш республика «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши аъзолари воҳани боғу бўстонга айлантириш ҳақида мурожаат билан чиқдилар.

**Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ**

ЎзХДП ҳаёти

***Тўрақўрғон тумани Ёртепа қишлоғидаги Ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежида 420 нафар ўқувчи 7 та мутахассислик бўйича таҳсил олади. Уларга 50 нафарга яқин малакали мутахассис таълим беради. Ўқув юртида, айниқса, дарсдан ташқари таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

## ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Ўқув масканида партия фаоллари билан ўтказилган учрашув баҳсларга бой, сермазмун бўлди. Наманган вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Нигорахон Нуралиева, туман кенгаши раиси Орифжон Охунов бутун дунёда рўй бераётган жараёнлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, кўппартиявийлик тизими, ижтимоий-сиёсий ҳаётда сиёсий партияларнинг ўрни ҳақида ҳикоя қилишди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, хусусан, Халқ демократик партиясининг дастурий мақсад ва ғояларини рўёбга чиқариш, электорат манфаати ҳимояси йўлида қилинаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталишди. Шунингдек, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар бўйича савол-жавоблар бўлди.

— Мен қирқ йилдан буён қишлоқ хўжалигида меҳнат қиламан, — деди учрашувда иштирок этган Ўзбекистон Қаҳрамони, «Хатича ая» фермер хўжалиги раҳбари, партия фаоли Хатича Мирзаева. — Меҳнатларим мустақиллик туфайли қадр топди. Менга Ватанимизнинг олий мукофотини муҳтарам Юртбошимиз қўлидан олиш насиб этди. Оддий деҳқон учун бундан ортиқ бахт борми? Фарзандларимиз пухта билим олиши, касб эгаллаши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Бундай ғамхўрликка жавобан қунт билан ўқиш, малакали мутахассис бўлиб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш ҳам қарз, ҳам фарз. Эл-юрт учун қилинган меҳнат албатта қадр топади. Мен ўз ҳаётимда бунга кўп бор амин бўлганман.

Мулоқотда ўқитувчи ва талабалар сиёсий партиялар, уларнинг мақсади ва интилишлари, депутат ваколати, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, уларнинг иш фаолиятига оид кўплаб саволларга жавоб олдилар.

**Муслимахон БУРХОНОВА, коллеж услубчиси.**

## ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА

### электорат маънавиятини юксалтириш ва сиёсий маданиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди

Мамлакатимизда демократик жараёнлар тобора чуқурлашиб бораётган бугунги кунда сиёсий партиялар фаолиятини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса табиийки, партия аъзолари, электорати вакилларининг маънавиятини юксалтириш, сиёсий маданияти ва фуқаролик масъулиятини шакллантириш талаб этилади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан Сергели туманида ўтказилган давра суҳбатида ушбу масалалар муҳокама қилинди.

Бугун, таъкидланди учрашувда, бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз вужудга келган. Жаҳон мамлакатлари ушбу бўҳрондан чиқиб кетиш ҳақида бош қотирмоқда. Ўзбекистонда чуқур ўйлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бунёдкорлик ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурининг қабул қилиниши ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда Юртбошимиз томонидан белгиланган кенг кўламли вазифалар буни тасдиқлайди.

Бу жараёнларни аҳоли, хусусан, партия электорати орасида тарғиб қилиш, унинг моҳиятини тушунтириб боришда ЎзХДП ташкилотлари ҳамда депутатлари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

Мамлакатдаги ўзгаришлар ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан партия аъзолари, электорат вакилларини кенг хабардор этиш аҳоли, хусусан, ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

— Маънавият ҳар бир жамият, миллатнинг тақдирини ҳал этувчи масаладир, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Шундай экан партия ўз аъзолари, электорати маънавияти, сиёсий маданиятини юксалтиришга изчил эътибор қаратиши, бу йўналишдаги ишларга янгича ёндашувлари зарур бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари Боймурод Юсупов, Фахриддин Ражабов, Рустам Тиллабоев, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Маргарита Ахмедбекова бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, депутатлар йиғилганларга Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳуқуқий базасини такомиллаштиришдаги иштироки тўғрисида ахборот бердилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

### ҚАДИМИЙ БОЗОРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



2-бет

### ОҚДАРЁНИНГ НУР ИРМОҒИ



*Ҳисорак ГЭСи бу йил ишга тушади*

3-бет

Наврўз — боқий қадрият

### ДЕҲҚОН ДАЛА АЙЛАНАДИ



Наврўзда ерга илк бор қўш солиш ва деҳқончилик бошланиши ҳақида хилма-хил халқ қўшиқлари ҳам яратилган. Кун бўйи омочдан қўли бўшамаган деҳқон баҳор, меҳнат ва мўл ҳосил ҳақида қўшиқ хиргойи қилган.

4-бет

2009 yil 25-27.02 O`zbekiston Toshkent
«O`zekspomarkaz» MKK OAJ
TURKMANISTONNING O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDAGI MILLIY KO'RGAZMASI



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## ➤ ЎзХДП ҳаёти

# МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ БИРИНЧИ ҚАДАМ...

Бухоро вилоят партия кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан бирга давра суҳбати ташкил этди. Унда туман ва шаҳар партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар раислари, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, тарғиботчилар ҳамда фаоллар иштирок этди.

Вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов партия кенгашлари, хусусан, БПТнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида фаолиятини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталди ва бу ишни жонлантирмасдан туриб, мақсадга эришиб бўлмаслигини таъкидлади. Чунки, БПТлар аҳоли истиқомат жойларида, корхона ва ташкилотларда тузилади. Аҳоли турли қатламлари, хусусан партия электорати билан ишлайди. Улар дуч келаётган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашади. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро минтақавий ахборот-таҳлил маркази лойиҳа раҳбари Ботир Норбоев вилоят, шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилди, депутатларимиз фойдаланмаётган имкониятларга эътиборни қаратди.

Шунингдек, давра суҳбатида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, электорат орасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш, бунда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш хусусида фикр алмашилди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ХОРИЖИЙ ОАВ:

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ БАРҚАРОР СУРЪАТДА ЎСМОҚДА

**Британиянинг «Рейтер» ахборот агентлиги** «Ўзбекистон иқтисодиёти 2008 йилда 9 фоизга ўсди» сарлавҳали мақолани эълон қилди. Эътиборлиси, мазкур мақола нуфузли молиявий-иқтисодий тизимлар — «Forbes», Лондон фонд биржаси, «London South East» агентлиги ахборот хизматлари томонидан ҳам тарқатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 13 февраль куни ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини шарҳлаб, «Рейтер» мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий баҳо бериб, 2008 йил якунлари бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичларни келтириб ўтган. Шунингдек, Британия ахборот агентлиги мамлакатимизда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирини камайтириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларни ҳам алоҳида таъкидлаган.

«Давлат бюджети профицит билан бажарилди, инфляция даражаси прогноз қилинган кўрсаткичлардан ошмади. Ялпи ички маҳсулот ҳажми ЕТТБ прогнозлари даражасида бўлди», — деб ёзади агентлик.

«Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирини камайтириш учун мамлакатда махсус дастурлар амалга оширилиб, улар иқтисодиётнинг таянч тармоқларини қўллаб-қувватлаш, банкларнинг капиталлашувини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, янги ишчи ўринларини яратишга йўналтирилган», — дейилади «Рейтер» агентлиги хабарида.

Халқаро валюта жамғармасининг ўтган йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган миссияси якунлари хулосасига таяниб, «Рейтер» мамлакатда амалга оширилаётган оқилона пул сиёсати ва босқичма-босқич тарзда ҳаётга татбиқ этилаётган тузилмавий ислоҳотлар ўзини оқлаганига эътибор қаратади.

**Хитойнинг «Жэньминь Жибао» ҳамда «Lookwe» нашрлари** «2008 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулоти сезиларли даражада ўсди» ва «Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ўз самарасини намойиш этмоқда» сарлавҳали мақолаларни эълон қилди.

«Жэньминь Жибао»да таъкидланишича, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурининг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликнинг юқори, барқарор ва мутаносиблашган суръати сақланиб, иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш, уни диверсификация ва модернизациялаш, аҳоли бандлигини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш борасидаги узоқ муддатли вазифаларни ҳал қилиш ишида ижобий силжишларга эришилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хитой нашри Ўзбекистонда банк-молия тизими фаол ривожланаётгани ва мустаҳкамланаётганига эътибор қаратган ҳолда, банкларнинг жами капитали 2007 йил билан таққослаганда 40 фоизга ўсганини таъкидлайди. Аҳолининг банклардаги омонат пуллари ҳажми бир йилда 65,3 фоизга ошгани одамларнинг банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкам эканига ёрқин далилдир.

**Россиянинг «Интерфакс» агентлиги Ўзбекистон Президентининг сўзларини келтириб, жумладан, шундай деб ёзади:** «Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди».

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистонда экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш режалаштирилаётганига эътибор қаратилади. Жумладан, уларга ўз айланма маблағларини тўлдириб олиши учун 12 ойлик муддатга мўлжалланган имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларнинг 6-8 фоиздан оширмаслик ва бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаш механизми ишлаб чиқилган.

**Қирғизистон «Кабар» агентлиги** ўз хабарида жумладан Президентнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик. 2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўтган йили ўртача иш ҳақи миқдори 300 доллардан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди. Жорий 2009 йилни оладиган бўлсак, ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида, шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда ҳам 1,4 баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7-9 фоиз даражасида сақлаб туриш мўлжалланмоқда.

Ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмонлашувига қарамасдан, 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, айни вақтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада, ташқи савдо балансида ижобий сальдо ҳажми сезиларли даражада ўсди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда».

**Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Тошихару Никай** жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнига юқори баҳо берди.

Шу маънода, вазир Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни босқичма-босқич ва прагматик тарзда ривожлантириш йўналиши муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлаб, бу — узоқ муддатли тараққиёт истиқболларининг самараси ҳамда Ўзбекистоннинг маҳаллий саноатни ривожлантириш ва республика экспорт стратегияси асосларини яратишдан манфаатдор эканини намоён этишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида имзоланган сармоявий битимнинг муҳимлигини таъкидлаган ҳолда, Т.Никай мазкур ҳужжат Япониянинг тўғридан-тўғри инвестицияларини Ўзбекистонга жалб қилишнинг муҳим механизми бўлишига эътибор қаратди ва қулай инвестицион муҳит яратишга қаратилган мазкур саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ишида муҳим аҳамият касб этишига урғу берди.

**Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги фахрий консули Тошио Тоура** жаҳон молиявий инқирозига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини намойиш этаётгани ва бу ҳолат ҳозирги кунда камдан-кам мамлакатларда учраётганини алоҳида таъкидлади. Т.Тоуранинг фикрича, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим ютуқларидан бири — бу янги ишчи ўринларини яратиш ҳисобланади.

Т.Тоуранинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ишончли банк-молия тизимининг яратилиши эвазига инқироз муаммоси мамлакатни четлаб ўтди. Айни пайтда дунёнинг кўпгина мамлакатлари мазкур муаммони енгиб ўтиш учун қўшимча пул воситаларини йўналтиришга мажбур бўлмоқда.

Шу билан бирга, Т.Тоуранинг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти минтақадаги мушкул аҳволга тушиб қолган давлатларга ёрдам кўрсатиш имконини ҳам беради.

**Франциядаги Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (ИТҲТ) ҳузуридаги Тараққиёт маркази экспертлари — марказнинг нашр бўлими бошлиғи К. Фой ва директор маслаҳатчиси С. Йилмаз** ўтган йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт якунларига танқидий жиҳатдан, демакки рационал тарзда ёндашилганига эътибор қаратди.

Экпертларнинг фикрича, 2008 йилда тизимли бозор ислоҳотларининг, тузилмавий ўзгаришларнинг давом эттирилгани муҳим аҳамият касб этиб, бу саъй-ҳаракатлар, жумладан, мамлакат иқтисодиётига сармоя жалб қилиш учун қулай шароит яратувчи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш натижасидир. Саноат тармоғининг ривожланиши ҳукумат сиёсатининг самарали сиёсатидан далолатдир.

ИТҲТ экспертлари Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо беришди. Аҳолининг 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этувчи Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 12 фоизининг таълим соҳасига йўналтирилиши эса мамлакат ҳукуматининг оқилона сиёсатига яққол далил бўлиб хизмат қилади.

К.Фой, шунингдек, жорий йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши ҳамда дастурий таклифлар ғояси ҳукумат ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритаётганидан далолат бериб, аҳолининг ярми қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган мамлакат учун бу жуда муҳим эканини таъкидлади.

**Берлин Халқаро иқтисодиёт академияси профессори Ханс-Йоахим Кнаупе**нинг фикрига кўра, жаҳон молиявий инқирозининг муқаррар таъсирига қарамай, Ўзбекистон 2008 йилда эътиборли натижаларга эришди. Иқтисодиёт барқарор фаолият кўрсатиб, ўсишнинг ижобий кўрсаткичларини намоён этмоқда. Шу билан бирга экспортнинг ортиши ва ташқи савдо тузилмасининг кенгайиши алоҳида аҳамиятга эга.

«Ушбу ютуқлар узоқ муддатли истиқболни кўзлаган тузилмавий ислоҳотлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишга қаратилган чора-тадбирлар самарасидир. Бундан ташқари, мамлакатда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шароитлар ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида аниқ амалий ва истиқболли тадбирлар ва устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Модернизациялаш, рақобатбардошлик, энергиядан самарали фойдаланиш, миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, зарарига ишлаётган корхоналарни тугатиш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларини ривожлантириш — буларнинг бари иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишига хизмат қилувчи омиллардир».

**«Жаҳон» АА.**

## Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар бадиий ижодиёти маркази ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Мустақил юрт истеъдодлари» мавзуидаги бадиий кўргазма очилди.**

# МУСТАҚИЛ ЮРТ ИСТЕЪДОДЛАРИ

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу кўргазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири F.Шоумаров, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ рассоми Р.Миртожиев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлод камолоти йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, ёшларнинг пухта билим, мукаммал тарбия олиши масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидладилар. Шу мақсадда барпо этилаётган мактаблар, мусиқа ва санъат масканлари, болалар бадиий ижодиёти марказлари ўғил-қизларнинг жаҳон андозалари даражасида билим ва тарбия олиши баробарида, санъатнинг гўзал ва сеҳрли оламига ошно этиш, бадиий диди, маънавияти, тафаккурини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бу жиҳатлар Республика болалар бадиий ижодиёти маркази фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топаётир. Ушбу марказда асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган, серфарзанд оилалар фарзандлари тасвирий санъатнинг турли йўналишлари бўйича ўз билим ва маҳоратини оширмоқда. Олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчиларни қамраб олган ушбу марказда беш юз нафардан ортиқ бола таниқли рассомлар, ҳайкалтарошлар, қўлигул уста ва ҳунармандлардан маҳорат сабоқларини ўрганмоқда. Айни пайтда унинг Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида ҳам филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Ёшлар истеъдодини қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳар тарафлама рағбатлантириш борасида кўрсатилаётган эътибор самарасида, марказ ўқувчилари томонидан ишланган расмлар Ҳиндистон, Япония, Чехия, Швейцария, Туркия, Миср, Янги Зеландия ва бошқа кўплаб давлатларда ўтказилган болалар бадиий ижодиёти фестивallари, кўрик-танловларда юқори баҳоланмоқда. Жамшид Эргашев, Анастасия Черкасова, Умида Машарипова, Элмаз Бермамбетова, Саидислом Саидалиев, Нозима Оқилова каби ёш ижодкорларнинг муваффақияти бунинг ёрқин далилидир.

«Мустақил юрт истеъдодлари» мавзуидаги ушбу кўргазмада марказга аъзо болаларнинг бир юз элликдан ортиқ ижодий иши намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ❖ Обод манзиллар

# ҚАДИМИЙ БОЗОРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Ўтган йили самарқандлик бир гуруҳ фаоллар Бухорода бўлиб, деҳқон бозори қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишиб қайтди. Шундан сўнг, Самарқанднинг қадим Сиёб бозорини қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш бошлаб юборилди. «Тошбошплан» илмий-текшириш институти (ЛИТИ) томонидан тақдим этилган лойиҳа асосида бажариладиган ишлар 2-сонли кўчма механизациялашган қурилиш жамланмаси қурувчилари зиммасига юкланди. Биринчи босқичда қарийб 4 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилиши кўзда тутилган эди. Дастлаб, бу ерда замон талабига жавоб бермайдиган савдо дўконлари, шохобчалар ўрнига 15 та замонавий савдо мажмуаси, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик, нон ва шу сингари ўнлаб хизмат нуқталари ҳамда павильонлар барпо этилди. Натижада, бозор республикамиз мустақиллигининг 17 йиллиги тантаналари арафасида фойдаланишга топширилди.

Бу ерда қарийб бир ярим мингта савдо ўрни яратилди. Пештахталар мармар кошинлар билан безатилди. Сотувчи ва харидорлар учун қулай имкониятлар яратилди. Пештахталар ораси кенгайтирилди. Расталар бозор маъмурияти томонидан рақамланиб, шу жойда савдо қилувчи деҳқон-сотувчига бириктириб қўйилди.

— Бу билан, — биринчидан, ҳар бир сотувчи жойи аниқ белгилаб олинди, иккинчидан, улар ўзларига бириктирилган ҳудуд тозалиги ва озодалигига ҳам жавобгардир, — дейди бозор директори Мақсуд Алиқулов. — Ҳозир бу ерда яратилган шароит ва имконият унча-мунча ривожланган давлат бозорида ҳам йўқ, десак, муболаға бўлмайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 5 та катта павильон тубдан қайта таъмирланди. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари павильони ёпиқ (тим) шаклда бўлиб, қишда иситадиган, ёзда совутадиган замонавий кондиционерлар ишлаб турибди. Ҳар бир сотувчи учун алоҳида-алоҳида музлатгичлар ўрнатилган.

— Бозоримиз том маънода кошонага айланди, — дейди вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш институти ректори, партиямиз фаоли Азиз Аминов. — Айниқса, ўз маҳсулотини олиб чиққан деҳқонларимиз учун махсус кийим-бош берилиши эътиборга лойиқ. Орасталик, ободлик кўнгилни очади. Киройи, бозор бўлса шундай бўлади-да...



— Яқин 20 йилдан бери шу ердан бозорлик қиламан. Сиёб бозорининг баракаси ўзига хос, нарх-наво арзон, — деб суҳбатга қўшилди Муқим Орипов.

— Бозор қошида «Саноатқурилиш банк» филиали ишлаб турибди. Ихчамгина шохобчага келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Кимдир коммунал тўлов, бошқаси патта пули учун мурожаат қилишади. Банк ходими эса буюртмаларни бир зумда компьютер орқали расмийлаштираяпти.

— Бозорни таъмирлаш учун «Саноатқурилиш банк»нинг вилоят филиалидан кредит олдик. Кунлик патта тушумлари тўғридан-тўғри банк ҳисоб рақамига тушади, — деб изоҳ беради директор. — Бозор ҳудудига худди ёмғирдек сув пуркаб мармар кошинлардаги чанг-ғуборни ювадиган махсус қурилма ўрнатдик. У 2 ярим гектар майдонни бир кунда 3-4 марта ювиб туради ва бозор ҳудудидаги майсазорларни суғоради...

Бозор қошидаги машҳур «Регистон» чойхонаси одамлар билан гавжум. Чой ичиб ўтирган бир отахонга: «Бозордаги шароитдан кўнглингиз тўлдими?» — деб мурожаат қилдик. Унинг қулфи дили очилиб кетди. Ўзини Абдурафиқ Жўраев деб таништирди.




— Қарийб 40 йилдан бери мева-чева сотаман, — дейди у. — Ёшим 71 да. Бу — Хизр назар қилган жой, жуда баракали. Шу бозорда савдо қилиш орқасидан келин тушириб, қиз чиқардим, уй-жой қилдим. Насиб этса, яқинда неварамни уйлантираман.

Шу кунларда бозорда иккинчи босқич қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Яна 600 ўринли савдо павильони, парранда, кондитер, ғалла ва полиз маҳсулотлари учун махсус кошинли айвонлар қурилмоқда, — дейди бозор қурилиш маъмурияти директори Абдукарим Абдуғаниев. — Реконструкция ишлари «Меъмор-96» қурилиш ташкилоти қурувчилари томонидан бажарилмоқда. Бу йил 1 миллиард сўмликдан ортиқ иш бажарилади. «Самфуқаролойиҳа», «Меъморлойиҳа», «АРТ-Дизайн» гуруҳлари томонидан яратилган лойиҳаларда қадим Шарқ меъморчилиги анъаналари билан замонавийлик ўзига хос уйғунлаштирилган. Бу ерда 2 қаватли замонавий супермаркет ҳам барпо этилаяпти. Буларнинг барчаси Наврўз байрами арафасида ишга туширилади. Сиёб бозорида белгиланган ишлар ниҳоясига етгач, ушбу жой қадим Самарқанднинг энг обод масканларидан бири бўлиб қолади.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратларда:*** *бозор ҳаётидан лавҳалар.*

**Суратлар муаллифи Ҳусан ТЎҒИЗОВ.**





# ГЕРМАНИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

«Навоийдонинвест» кичик корхонаси Ғарбий Германиянинг «Бераплан ГМБХ» компанияси билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориб, «Браво» тамғаси остида сифатли пиво ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхона иш бошлаган дастлабки кунларда бу ерда 10 нафар йигит-қиз меҳнат қилган бўлса, ҳозир улар сони 50 нафарга етди.

— Биз немис технологияси асосида «Браво-1», «Браво-2», «Браво-4» пиволари туркумини яратибгина қолмай, буғдойли «Браво-9»ни ҳам ишлаб чиқара бошладик, — дейди корхона раҳбари Убайдулла Омонов.

Яқинда корхонага яна замонавий хориж асбоб-ускуналари келтириб ўрнатилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Наврўз — боқий қадрият

# ДЕҲҚОН ДАЛА АЙЛАНАДИ

Илгари ўзбек деҳқонлари далага илк бор қўш чиқаришда юлдузлар ҳисобига амал қилиб иш кўришган. Хусусан, XX асрнинг 20-йилларида Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида фольклор материаллари тўплаган Исо Эрназар ўғлининг ёзишича, «Юлдуз ўнг бўлса, қўш чиқаради, юлдуз чап бўлса, қўш чиқармайди».

Бухоролик кекса қўшчи Хайрулла Файзулла ўғлининг айтишича, ўзбек деҳқонлари Наврўз ёки Йилбоши арафасида чоршанба куни далага биринчи марта қўш солишни хайрли, деб билишган экан. Чунки чоршанба чош, яъни хирмонга тўпланган буғдой янчилиб, сомонидан ажратилгандан кейин ҳосил бўлган мўл-кўл дон уюмининг тимсоли деб қаралган. Ўша куни сепилган доннинг майсаси бўлиқ, бехато кўкаради ва бошоғи донга тўлиқ, ҳосили мўл бўлади, деб тасаввур қилинган.

Қўш ҳайдаладиган куни деҳқонлар ўзаро маслаҳатлашиб, энг яхши ҳўкизлардан бир жуфтини далага чиқаришга тайёрлашган. Эрталаб ҳўкизларга ивитилган сомон устига озгина ун сепиб едиришган. Момолар буғдой ёрмасидан «қўш ош» пиширишган.

«Қўш оши» рамзий маънода ҳосилнинг мўл бўлишига таъсир кўрсатади, деб тасаввур қилинганлиги боис, илгарилари кўкламги қўш чиқариш, яъни «шох мойлар» маросимида бу таомни тайёрлаш Наврўз байрами таркибидаги энг муҳим удумлардан бири саналган. Одатда уни пиширишдан аввал уйма-уй юриб, масаллиқ учун ун, дон-дун йиғишган. Ҳар бир оила келаётган йилда ҳосил мўл, рўзғор бут, бола-чақаси соғ-омон бўлишини ният қилиб, «қўш оши»га имкон қадар ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилган.

Болалар эрта тонгданоқ қишлоқ кўчалари бўйлаб югуришиб, қувонч билан ҳаммани «қўш оши»га чорлаганлар. Тўпланган масаллиқни қишлоқдаги энг обрўли, ўзидан тиниб-тинчиб кетган, серфарзанд, пиру бадавлат оилалардан бирининг ҳовлисига олиб бориб, кўпчилик бўлиб пиширишган. «Қўш оши» тайёр бўлгач, қозонни биринчи қўш солинадиган дала ёнига олиб боришган. Қишлоқ аҳли — каттаю кичик бари ўша жойга йиғилишиб келган. Ёш-яланглар оқсоқоллар томонидан танланган жойни ораста қилиб тозалашган. Дастурхон безатиб «қўш оши»ни бутун қишлоқ аҳли баҳамжиҳат бўлиб, тановул қилган. Чунки бу удум одамларни бирдамликка ундайдиган анъаналардан бири бўлган.

Элшунос олимларнинг эътирофи этишича, хоразмлик деҳқонлар қўшга қўшиладиган ҳўкизларни «ҳўкиз сара» деб атаганлар. Уларнинг эътиқодича, ҳар йили эрта кўкламда далага биринчи қўш солинадиган куни Бободеҳқон ҳақига бўғирсоқ пишириб, «ис» чиқаришган. Ҳўкизларнинг шохларини эса бўғирсоқ пиширилган ёғ билан мойлаганлар.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида қўшга қўшиладиган ҳўкизларнинг шохига оқ пахтадан эшиб тайёрланган ип боғлаб, зиғир мойи суртиб қўйишган. Момолар «ис» чиқарганлар ва ўчоқдаги чўғдан олиб исириқ тутатганлар. Қўшни бошлаб берадиган кекса киши омоч ёнига бораётганида унинг қўлтиғига иккита нонни қистириб қўйганлар. Қўшвон эса бу нонларни жуфт қилиб синдирган ва «қўш оши»га йиғилганларга бўлиб берган.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида яшовчи Менглибой Раҳимовнинг айтишича, «қўш оши» маросимида қуйидаги қўшиқ ижро этилган:

**Деҳқон дала айланди,**
**Ҳўкиз шохи мойланди,**
**Омоч, мола, чўнка тиш,**
**Бобо деҳқон шайланди.**
**Бугун байрам — Йилбоши,**
**Йилбошига қўш оши,**
**Ҳар рўзғорнинг ҳиммати,**
**Паловми, ё сўк оши.**
**Момо қуйинг гўжани,**
**Товоқни тут ичгани.**
**Деҳқон бобо, бўш келманг,**
**Кузда санар жўжани.**

Далага қўш олиб чиқилаётганда момолар: **«Илоҳим оқликка буюрсин, тўқликка чиқайлик! Сенинг шарофатинг билан тоғора-тоғора ун элайлик!»,** дея ҳўкиз шохи орасига бир чимдимдан ун сепишган. Биринчи қўш чиққан куни ҳамма хонадонлар «ис» чиқаришган. Ана шу пиширикни кўпчилик еса йил баракали келади, дейдилар. Бўғирсоқ пиширилган ёғ билан ҳўкизнинг бўйни ва омочнинг тиғи мойланади. Шундан кейин оқсоқоллардан бири эл-юртга омонлик, тинчлик-хотиржамлик ва мўл ҳосил тилаб, дуо ўқийди.

Ангор туманидаги Қорақир қишлоғида далага биринчи марта қўш чиқариб, дон сепиш маросимида бутун қишлоқ аҳли дала бошига йиғилиб, кўпчилик бўлиб «қўш оши» пиширганлар.

1981 йилнинг кўкламида деҳқонларимизнинг Йилбоши — Наврўз билан боғлиқ урф-одат ва маросимларига доир материалларни тўплаш мақсадида Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида бўлганимизда, Жиғачи қишлоғида далага илк бор қўш чиқариладиган куни бўғирсоқ, қуймоқ пишириб «ис» чиқариш удуми билан бир қаторда ўрик туршагини қайнатилган сувда ивитиб, махсус шарбат тайёрлаш анъанаси ҳам мавжудлигини кўрдик. Уй бекалари қўш чиқариладиган куни ўзлари пиширган «ис» таомлари билан бирга ўрик туршагининг шарбатини ҳам «қўш оши» дастурхонига қўйишган. Шунингдек, бекалар далага сепилган буғдой дони бехато кўкариб чиқсин, даладаги буғдой бошоғининг дони бўлиқ бўлсин, деган ниятда буғдой қовурмоч қилиб болаларга тарқатганлар.

Қоракўл туманининг Тангачар қишлоғида яшовчи Остонақул Жўраевнинг айтишига қараганда, ҳутнинг охирги чоршанбаси (ҳаво агар серёғин келса, Йилбоши байрами куни)да деҳқонлар бўғирсоқ еб, ўрик шарбатидан ичишган ва яхши ният билан:

**Илоҳи омин, еримиз зўр бўлсин,**
**Экканимиз зар бўлсин,**
**Буғдойимиз чош бўлсин,**
**Еганимиз ош бўлсин,**
**Теварагимиз боғ бўлсин,**
**Ризқу рўзимиз тоғ бўлсин,**
**Бобо деҳқонга давлат берсин,**
**Хирмонга баракат берсин!**

— дея қўш ҳайдашган.

Қоракўл туманининг Катта арик қишлоғилик кекса қўшчи Хайрулла Файзулла ўғлининг айтишича, Наврўздан аввалги ёки Йилбошидан кейинги биринчи чоршанба куни қишлоқ аҳли йиғилишиб, энг яхши ҳўкизларидан бир жуфтини омочу бўйинтуруқ билан далага олиб чиқишган. «Бу йил мўл-кўлчилик бўлсин, серобчилик бўлсин!» — дейишиб ҳўкизларнинг устига сув сепганлар. «Оёғинг теккан жойга Аллоҳ баракасини берсин!» — дея ҳўкизларнинг оёғига озгина ун сепганлар.

Қишлоқнинг энг кекса кишиси: **«Ё пирим, Деҳқон бува! Ўзинг қўллагайсан, ёмғирларни ёғдиргайсан, майсаларни ундиргайсан, бола-чақанинг ризқини етказгайсан! Илойим, Деҳқон бува дорийберсин, баракасини бераверсин. Қурт-қумурсқа, жонли-жонзотдан қолгани меники! Бахш этдим, кўпнинг насибасига, Деҳқон буванинг йўлига, омин!»** — деб юзига фотиҳа тортиб, қўш ҳайдашни бошлаб берган.

Шу туманнинг Осиё қишлоғида яшовчи Саттор Аҳмедовнинг айтишича, ҳўкизларни қўшга қўшишдан аввал ёши катта кишилардан бири «Баракали бўлсин, чошимиз кўп бўлсин, емак-ичмак насиб этсин», — деб ерга уруғлик сепган ва қўшни бошлаб берган. Дон сепаётганда кўз тегмасин учун далага битта косовни тескари қилиб суқиб қўйишган.

Манбаларда қайд қилинишича, Хоразм вилоятининг Хонқа туманида истиқомат қилувчи деҳқонлар далага буғдой билан бирга бир ҳовуч жийда ҳам сочишган. Чунки жийда бу ўринда барака ва серҳосиллик тимсоли сифатида талқин қилинган. Бухоролик деҳқонлар эса экиш учун олиб келган доннинг бир қисмини атайлаб уйларига қайтариб олиб кетишган. Шундай қилинса, гўё ҳосилнинг баракасини олиб келган ҳисобланиб, йил бўйи ўша деҳқоннинг рўзғоридан барака аримас экан.

**Маматқул ЖЎРАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

*(Боши ўтган сонда. Давоми бор)*



## Фавқулодда вазиятлар

# ...ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Жорий йилнинг 18 февраль куни кундуз соат 14.30 лар атрофида Тошкент шаҳар ФВБ тезкор навбатчилик қисмига нотаниш фуқаро қўнғироқ қилиб, анҳорда икки киши оқиб кетганлиги ҳақида хабар қилган.

Тошкент шаҳар ФВБ авария-қутқарув отрядининг тажрибали ҳайдовчиси Мирсобит Мираҳмедов қутқарувчиларни махсус жиҳозланган автоуловда зудлик билан воқеа жойига олиб келди. Шу заҳоти шай ҳолатда турган қутқарувчи-ғаввослар чўкаётганларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Улар дастлаб 1976 йилда туғилган, Ҳамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчасида истиқомат қилувчи Дилбар Турдиматовани сувдан олиб чиқишди. Ундан кейин эса 1987 йилда туғилган, Чилонзор тумани 19-мавзесида яшовчи фуқаро Азиз Айтбоевни қутқаришди.

Йўриқчи қутқарувчи-ғаввослар Бахтиёр Насметов ва Санжар Холматовларнинг айтишича Азиз Айтбоев анҳор бўйида бир қизнинг сувга тушиб кетганини кўрган ва шу заҳоти уни қутқариш мақсадида ўзини сувга ташлаган. Бироқ, сувнинг совуқлиги ва оёқ қон-томирларининг тортишиб-увишиши сузишга имкон бермагани боис, унинг ҳаёти ҳам хавф остида қолган.

— Фавқулодда вазият тўғрисида бошқарма тезкор навбатчилик қисмига маълумот келган заҳоти шай ҳолатда турган қутқарувчиларни олиб зудлик билан воқеа жойига отланамиз, — дейди Тошкент шаҳар ФВБ авария-қутқарув гуруҳи командири, кичик сержант Мақсуд Мансуров. — Турли хавф-хатарлардан ҳаёти сақлаб қолинган одамлар ва уларнинг яқинлари қанчалик хурсанд бўлса, биз, қутқарувчилар ўз хизматимиздан мамнун бўламиз.

**Азамат СУЮНОВ**

## Футбол

# ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Шу йилнинг ноябрида 19 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати саралаш баҳсларида Марат Кабаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қатнашади.

Куни кеча мазкур мусобақанинг гуруҳ учрашувларига қуръа ташланди. Унга кўра, қитъамизнинг 42 давлати терма жамоалари етти гуруҳга бўлинади.

Қуръага мувофиқ, ёшларимиз «Д» гуруҳида Эрон, Ливан, Туркманистон, Покистон, Мальдив ороллари футболчилари билан баҳс юритишади. Гуруҳ учрашувлари Покистонда ўтказилади.

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЧИПТАЛАРИ

2010 йили Жанубий Африка Республикаси(ЖАР)да бўладиган жаҳон чемпионатида жами 64 та ўйин ўтказилади. Бу учрашувлар 11 июндан 11 июлга қадар ЖАРнинг тўққиз шаҳридаги ўнта стадионда бўлиб ўтиши белгиланган. Мазкур ўйинларга ташкилий қўмита 2,8 миллион дона чипта чиқаришни режалаштирмоқда. Чипталар сотуви келаси йилнинг 20 февралидан бошланади.

MATCH Services AG компаниясининг билдиришича, чипталарнинг асосий қисми сотуви ФИФА расмий интернет саҳифалари орқали йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда. Компания таклифига кўра, жаҳон чемпионатининг тўртинчи тоифадаги чипталарининг баҳоси ўртача 20 АҚШ доллари қилиб белгиланади. Германияда ўтказилган 2006 йилги жаҳон чемпионатида бундай чипталарнинг ҳар бири ўртача 51 АҚШ долларидан сотилганди. Шунингдек, сервис компанияси ана шу тоифадаги чипталарнинг 15 фоизини ижтимоий аҳволи оғир бўлган маҳаллий мухлисларга текин тарқатишни ҳам кўзда тутган. Бу таклифни ФИФА ҳам қўллаб қувватламоқда.

Жаҳон чемпионати финал учрашуви чипталарининг ҳар бир донаси эса 900 долларга баҳоланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ЖАРда бўладиган жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросими Йоханнесбургдаги Soccer Cite стадионида ўтказилади. Бу стадион ўз бағрига 96 минг томошабинни сиғдира олади.

**Эркин ХОЛБОБО**


**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича**
**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| | Лот 1-2 | |
| *Лот-1* | Каттақўрғон тумани, Сув ҳовузи қишлоғидаги 42-мактабга 9х18 м. қўшимча спорт зали қурилиши | 5 ой |
| *Лот-2* | Иштихон тумани, Сафохўжа қишлоғидаги 30-мактабга 9х18 м. қўшимча спорт зали қурилиши | 5 ой |

***Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи манзили:** *Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8-366) 235-82-86.*

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Факс: 233-32-00, телефон: 231-13-51.***

*Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.



**Мулкчилик шаклидан қатъи назар,**
**барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**НОРИН — СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ**

**қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдоларини эълон қилади:**

| № | Лот № | Иншоот номи | Бошланғич нархи ҚҚСсиз (сўм) | Қурилишни якунлаш муддати (кун) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2-2 | Наманган вилояти, Поп туманидаги «Аччиққўл» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (5-босқич, 59,97 км.) | 131 078 017 | 150 |
| 2 | 3-1 | Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги «Аччиққўл» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (2-босқич, 60,63 км.) | 112 402 367 | 153 |
| 3 | 3-2 | Наманган вилояти, Косонсой туманидаги «Косонсой» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (3-босқич, 48,25 км.) | 84 722 729 | 130 |
| 4 | 3-3 | Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманидаги хўжаликлараро «Намангансой» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (3-босқич, 42,89 км.) | 98 485 642 | 125 |

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда жойлашган Норин — Сирдарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

***Телефон: (8-369) 226-38-34, 226-78-53.***

*Қурилиш ишлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг ажратилган маблағи ҳисобидан амалга оширилади.*

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га**ча мурожаат қилишлари мумкин.

**Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй.



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV



MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13
Madaniyat va sport — 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56
Mas`ul kotib — 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 149
17094 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda